



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 148 (11.459)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

ТИЖОРAT БАНКЛАРИНИНГ
ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШГА
ЙЎНАЛТИРИЛАДИГАН УЗОҚ
МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАРИ
УЛУШНИ КЎПАЙТИРИШНИ
РАҒБАТЛАНТИРИШ
БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Тижорат банкларининг инвестиция фаолияти кенгайтирилишини янада рағбатлантириш, иқтисодий тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган узоқ муқдатли инвестиция лойиҳаларини молиялаш ҳажмларини ошириш учун уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ: тижорат банкларининг тузилмалари қайта ташкил этилди, энг йирик банкларда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўйича департаментлар (бошқармалар) тузилди, инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш, молиялаш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш билан шуғullanувчи банкларнинг таркибий бўлинмалари сезиларли равишда ўзгартирилди ҳамда уларнинг функциялари кенгайтирилди;

барча тижорат банкларида инвестиция фаолияти масалаларига мутасаддилик қиладиган банклар бошқаруви раисларининг ўринбосарлари лавозими жорий этилди, уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 октябрдаги Р-3075-сонли фармойишига мувофиқ ўтказилган аттестация натижалари бўйича қонунчилик базасини чуқур биладиган, инвестиция лойиҳаларини инвестициявий молиялаш, таълаб олиш ва экспертиза қилиш соҳасида зарур кўникмаларга эга бўлган раҳбарлар тайинланди; банклар балансига қабул қилинган банкрот-корхоналарни молиявий соғломлаштириш, иқтисодий тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаш бўйича тижорат банкларининг фаолияти ривожланди. Банкларнинг умумий кредит портфели таркибида бир йилдан кўпроқ муқдатга берилган кредитлар ҳажми 70 фоиздан ортиқроқни ташкил этмоқда.

2. Куйдагилар инвестиция фаолиятини кенгайтириш соҳасида тижорат банкларининг энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича банкнинг кредит ҳамда инвестиция сибасатини ва инвестиция лойиҳаларини узоқ муқдатли кредитлаш механизмларини янада тақомиллаштириш, бунинг асосида банкнинг узоқ муқдатли ресурс базасини мустаҳкамлаш;

лоийҳа ҳужжатлари, уларнинг молиявий жиҳатдан ўзини қоплаши ва рентабеллигини чуқур таҳлил қилиш асосида инвестиция лойиҳаларини пухта таълаб олиш, комплекс баҳолаш ҳамда сифатли экспертиза қилишни таъминлаш;

инвестиция лойиҳаларини молиялашга ўз молия маблағларини сарфлаш ва улардан самарали фойдаланиш, лойиҳаларнинг амалга оширилиш борилишини доимий мониторинг қилиш, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш; таваккалчилик, гаровлар ва таъминлашнинг бошқа турлари бозор қийматини пухта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, берилган кредитларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ қайтарилишини таъминлайдиган ишончли механизмлардан кенг фойдаланиш;

инвестиция фаолиятини амалга ошираётган банклар бўлинмаларини профессионал тайёрланган юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, инвестиция лойиҳаларини таълаб олиш, экспертиза қилиш ва амалга ошириш масалалари бўйича банк мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш сифатини тубдан яхшилаш.

(Давоми 2-бетда).

МУСТАҚИЛЛИК
18

ПОЙТАХТНИНГ
БИР КУНИ

2200

Қўшма корхоналарда

ИЗЛАНИШЛАР САМАРА БЕРМОҚДА

Мамлакатимиздаги қулай инвестицион муҳит хорижий сармоядорларга қўл келиб, ҳамкорликдаги қўшма корхоналар сафи кенгайишида, уларда ишлаб чиқарилаётган жаҳон андозаларига мос маҳсулотлар турлари ортишида муҳим омил бўлмоқда.

Пойтахтимизда Германия билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган «TEZINTOM Ltd» қўшма корхонаси ҳам ана шундай жамоалар сирасидан бўлиб, бу ерда замонавий технологик линиялар қувватидан самарали фойдаланган ҳолда профили томпёқчилар, том ва девор панеллари, тоьланган металлдан панжара ва дарвозалар, лок-буёқ воситалари, ювтиш ҳамда тозалаш ашёрлари тайёрланмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, корхона мамлакатимизда биринчилардан бўлиб импорт ўрнини босувчи металл черепичлар тайёрлашни йўлга қўйган ва ушбу маҳсулот бунёдкорлик ишларида қўл келмоқда. Утган йилда корхонага жалб этилган инве-

стициялар асосида цехларни модернизация қилишга эришилди. Бунинг натижаси эса қутилганидек самара бериб маҳсулотнинг янги рақобатбардор турлари ишлаб чиқарила бошланди. Бу ҳозирда янги жиҳозланган цехда тайёрланаётган пластик эшик ва ромлардир. Ушбу товарлар буюртмага қўра истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Энг муҳими эса корхонанинг мохир дизайнерлари буюртмаларни бажаришда харидор талаб ва тақлифларини инобатга олишади.

Бугунги кунда корхонада тайёрланаётган кўллаб турдаги сифатли маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорини топомқда. Утган йилда тадбиркорлар томонидан

120 минг квадрат метр металл черепица, профили томпёқчи, том ҳамда деворлар учун панеллар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичнинг бирмунча ошиши кўзда тутилмоқда.

Корхона мутахассисларининг малака ва маҳоратлари маҳсулот сифатини таъминлаб, рақобатбардорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, айрим мутахассисларнинг Германия ва Голландиянинг ишлаб чиқариш компанияларида иш ўрганиб, малака ошириб қайтгани яхши самара бермоқда.

Тадбиркорлар келгусида замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини янада кўпайтириш, буюртмаларни тез ва соз бажариш, бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиш йўлида астойдил изланишмоқда. Албатта, бундай изланишлар ўз самарасини беради.

Шарифа ИЛЁSOVA
СУРАТДА: маҳсулот турлари ортишида малакали мутахассисларнинг муносиб ҳиссаси бор.
Алексей Попов олган сурат

Нодия Иброҳим КАФФОФИЙ:

УШБУ ГЎЗАЛ ВА МУҚАДДАС ДИЁРДА ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ ҲУКМ СУРМОҚДА

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида Ўза мухбири Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Нодия Иброҳим КАФФОФИЙ хоним билан суҳбатлашди.

— Элчи хоним, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболини қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистон ва Миср халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларнинг тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Ўзбек заминида етишиб чиққан буюк алломалар Мисрда ўчмас из қолдирган. Масалан, Аҳмад ал-Фарғоний Нил дарёси сувининг миқёсини ўлчайдиган иншоот яратган ва биз ундан ҳозир ҳам фойдаланиб келаёмиш. Илгари Мовароуннаҳр савдогарлари Қоҳирага тез-тез бориб туришган. Ҳозир мамлакатимиз пойтахтида «Ўзбекция» деб номланган мавзе бор.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланмоқда. Бунда икки давлат раҳ-

барларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2007 йилнинг апрель ойида Мисрда расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги поғонага олиб чиқди. Ушбу ташриф асосида Ислам Каримов ва Хусний Муборак ўзаро алоқаларини янада мустаҳкамлаш юзасидан атрофлича фикр алмашдилар. Учрашувлар якунида имзоланган қатор ҳужжатлар икки мамлакат халқларининг манфаатига хизмат қилаётди. Давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари бундан кейин ҳам изчил ривожланиб бораверди, дейиш учун барча асослар бор.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижон вилояти галлакорлари жорий йилда 520 минг тоннадан ортиқ галла ҳосилини йиғиштириб, катта зафар кучдилар. Эришилган меҳнат галабасида Пахтаобод, Избоскан, Олтинкўл, Кўргонтепа туманлари деҳқонларининг ҳиссаси катта бўлди. «Боғишамол» дам олиш масканида вилоят ризқ-рўз яратувчилари муваффақиятларини шарафлашга бағишлаб ўтказилган ҳосил байрамида улкан хирмонга муносиб ҳисса қўшганларнинг барчасининг меҳнатлари эътироф этилди.

• Гулистонда болалар театрларининг «Тошкент баҳори» деб номланган республика фестивали бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар болалар ижодиёт марказларида ташкил этилган театр жамоалари уч кун давомида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган сахна асарларини намоиш этишди. Тадбир якунига кўра, Сирдарё ва Наманган болалар театрларига олий ўрин — Гран-при берилди.

• Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида янги бетон заводи ишга туширилди. Соатига 30 кубометр микдорда бетон ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхона ушбу ҳудудда қурилаётган Марказий Осиёдаги энг йирик калий ўғитлари заводи эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган.

• Тошкентдаги Марказий Офицерлар уйида ҳарбийлар ва олий ҳарбий мактаблар курсантлари ўртасида ўтказилаётган «Энг яхши китобхон» танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

• Уйчи туманининг Ўнхаёт шаҳарчасидаги 29-умумтаълим мактаби жамоаси янги ўқув йилини янгилаган кўркем бинода кутиб оладиган бўлди. Қурувчилар бу ерда 747 миллион сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, таълим даргоҳини мукамал реконструкциядан чиқардилар. Жумладан, 315 ўринли ўқув биноси ҳамда спорт зали барпо этилди. Фан хоналари, лаборатория ва устахоналар замон талаблари даражасида жиҳозланди.

• «Қишлоқ фаровонлиги ва тараққиёти» йилига бағишлаб Олмалик шаҳар металлургия спорт клуби мажмуасида қишлоқ меҳнаткашларининг тармоқларида «Саломатлик» спартакиадаси бўлиб ўтди.

• Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги марказий истироҳат боғида миллий таом — палов пишириш бўйича мусобақа ташкил этилди.

ЖАҲОНДА

• 1949 йилдан буён илк бор Тайван президенти ва Хитой давлати раҳбари бир-бирларига шахсий номалар юборишди. Унда ҳар икки давлат раҳбари Ма Инцзю ва Ху Цзиньтао Хитой Халқ Республикаси ҳамда кейинги 60 йилдан буён мустақил мамлакат ҳисобланаётган Тайван ўртасида яқинлашиш ҳаракатларини қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

• Бугун Молдовада муқдатидан олдин парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда саккизта партиядан 785 нафар номзод 101 ўринга даъвогарлик қилди.

• АҚШда экстремистик ташкилотларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганликда ва чет мамлакатларда террорчилик ҳаракатларини ташкиллаштиришда айбланган етти киши ҳибсга олинди. Мамлакат Адлия вазирлигининг маълумотларига кўра, жиноятчилар АҚШ фуқаролари бўлиб, улар суд санкцияси билан қамоққа олинганлар.

• Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган навбатдаги савдоларда нефть нархининг пасайиши кузатилди. Жумладан, Лондон биржасида бир баррел нефтининг нархи 69,88 доллар микдорига баҳоланган бўлса, Нью-Йоркда бу кўрсаткич 67,28 долларни ташкил этди.

• Қариб денгизда Гаитидан ноқонуний муҳожирилари олиб кетаётган кеманинг ҳалокатга учраши натижасида тўрт киши ҳалок бўлган, 100 га яқин киши бедарак йўқолган. Воқеа жойида қидириш ишлари давом эттирилмоқда.

• Honda компанияси талабнинг пасайиши кетиши муносабати билан АҚШда мотоцикл ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва Осиё бозорларига киришга ҳаракат қилмоқда.

• Жорий йилнинг биринчи ярмида табиий офатлар туфайли сугурта компаниялари кўрган зарар 11 миллиард долларни ташкил этди ва кейинги ўн йил ичидаги ўртача кўрсаткичдан бирмунча ошиб кетди. Яъни табиий офатлар турли мамлакатлар иқтисодиётига кўрсатган зарар жорий йилнинг биринчи ярмида 25 миллиард долларлик қийматдан иборат бўлди.

• Кеча Хитойнинг жанубида рўй берган поезд ҳалокати туфайли тўрт киши ҳаётдан кўз юмди, 50 нафар йўловчи турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Адборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** шаҳримизда «Мустақиллик ва оила саломатлиги масалалари» мавзуида ўтказилган илмий-амалий анжуман Республика «Оила» илмий маркази ташаббуси билан уюштирилди.

✓ **КЕЧА** шаҳримизда Ўзбекистон Савдо-сановат палатаси ҳамда германиялик ишбилармонлар ҳамкорлигида уюштирилган семинар-тренинг Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалаларига бағишланди.

✓ **АЗИМ** пойтахтимизнинг 2200 йиллигига туҳфа сифатида Чилонзор туманидаги Чўпон ота ва 2-Қатортоқ кўчалари бунёдкорлар томонидан қайта таъмирланди.

✓ **БОШЛАНАЁТГАН** 2009-2010 ўқув йилида Юнусобод туманидаги 272-мактаб ўқувчилари бунёдкорлар томонидан бунёд этилаётган янги бинода таҳсил олишади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИГАН УЗОҚ
МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАРИ УЛУШINI КЎПАЙТИРИШНИ
РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-
ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

(Давоми. Боши 1-бетда).

3. 2015 йилнинг 1 январига шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра тижорат банклари кредит портфели таркибиде 1-иловага мувофиқ узоқ муددатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғи тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси бир ой муددатда мазкур бандда назарда тутилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

4. Тижорат банкларига корхона ва ташкилотлар – йирик инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қабул қилишда умуман лойиҳани молиялаш учун бериладиган кредитнинг умумий суммасига киритган ҳолда, экспертизадан ўтказиш бўйича харажатларни молиялашга кредитлар беришни амалиётга татбиқ қилиш тасви этилсин.

5. Инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳисобидан кредитларни қайта молиялаш тижорат банклари бошқаруви раислари зиммасига лойиҳалар ва қарз олувчи корхоналарнинг молиявий аҳолидан қатъи назар маблағлардан мақсадли ва сама-

рали фойдаланиш, уларни ажратилган фоизларни ҳисобга олган ҳолда тўлиқ ҳажмда Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига ўз вақтида қайтариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан тижорат банклари мақсадга номувофиқ фойдаланган ҳолатлар аниқланган тақдирда мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган барча пул миқдори жарима санкциялари қўлланган ҳолда муддатидан аввал тўланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари уюмаси ва тижорат банкларининг, банкларнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустақамлаш учун тижорат банклари томонидан 2-иловага мувофиқ 2009-2010 йилларда юридик шахслар ўртасида қамда 110 млрд. сўм ҳажмда жойлаштирилган узоқ муддатли облигациялар чиқариш борасидаги таклифи қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг Марказий банкдаги юридик шахсларнинг жалб этиладиган депозитлари бўйича мажбурий заҳиралари нормаларининг табақалаштирилган ставкаларини қуйидаги жалб этиш муддатларидан келиб чиққан ҳолда амалиётга татбиқ этсин:

муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар бўйича – умумжорий этилган нормаларнинг 80%

миқдориди;

муддати 3 йилдан ортиқ депозитлар бўйича – умумжорий этилган нормаларнинг 70% миқдориди.

8. Қуйидагилар:

тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинмайдиган фоизли даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил муддатга солиққа тортишдан;

тижорат банклари аввал берилган кредитларни тўлаш ҳисобига ундириб олинмайдиган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан; лизинг хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уч йил муддатга фойда солиғи ва лизинг операцияларидан тушадиган даромадлар бўйича ягона солиқ тўловидан озод этилсин.

9. Тижорат банклари томонидан, жумладан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва йўлга қўйиш ҳамда маҳсулотларни сотишда муваффақиятли иш тажрибасига эга бошқа инвесторлар иштирокида янги ташкил этилган корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Р-4010-сонли фармойишининг 2-бандида назарда тутилган солиқ имтиёзлари татбиқ этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 октябрдаги Р-3075-сонли фармойиши билан тузилган Тижорат банклари раҳбарлари ва инвестиция фаолия-

ти масалалари бўйича масъул бўлим бошлиқларини аттестациядан ўтказиш комиссияси (Р.С.Азимов) мунтазам равишда, ҳар икки йилда бир марта тижорат банклари бошқаруви раислари ўринбосарларини ва банкларнинг инвестиция фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилмалари раҳбарларини аттестациядан ўтказишни таъминласин (хорижий капитал иштирокидаги банклар ва хусусий банклар бундан мустасно).

Тижорат банклари раҳбарлари: икки ой муддатда инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказувчи, молияловчи ва амалга оширилишини мониторинг қилувчи банкларнинг таркибий бўлинмаларини самарали иш олиб бориш учун зарур компютер техникаси ва ускуналар билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўрсин;

инвестиция фаолияти масалалари учун жавобгар банк бўлинмаларини юқори малакали мутахассислар билан мустақамлаш ишларини доимий равишда олиб бориши; инвестиция фаолияти масалалари билан шугullanувчи банк ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича минтақаларда доимий фаолият кўрсатувчи курслар ва амалий семинарлар ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ўшбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 28 июль

Санъат

**РАҚС СТУДИЯСИ
ДАСТУРИ**

Марказий Темирийўлчилар маданият саройида фаолият кўрсатаётган бадиий студия ва тўрақлар истеъдодли ёшлар маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон халқ артисти Рушана Султонова раҳбарлик қилаётган рақс студияси эса «Ўзбекистон сени қуйлайман» санъат фестивалида иштирок этиб совринли мукофотни қўлга киритди. Темирийўл касба уюшмаси Марказий Кенгаши томонидан уюштирилган бу тадбирда саройнинг болалар рақс ансамбллари ҳам ижрочилик маҳоратларини намоён этдилар.

**ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ
СОВРИНДОРИ**

Россиянинг Урал ўрмон хўжалиги университети маданият саройида ўтказилган халқаро фестивалда Тошкент Темирийўл транспорти институти болалар фольклор ансамбли ҳам фаол иштирок этди. Бу ижодий гуруҳ халқ этган тароналар ўзбек миллий қўшиқчилиқ санъати намойишига айланди.

Ансамблининг бу чиқиши биринчи ўрин билан тақдирланди. Айни вақтда ёш истеъдодлар Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва мезбонлар жамоалари орасида умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринга лойиқ деб топилди.

**ИСТЕЪДОДЛАРГА
ЙЎЛЛАНМА**

Бу йил Тошкент эстрада-цирк коллежини кўплаб ёш истеъдодлар битирди. Ўқув юртининг эстрада қўшиқчилиги бўлими эса 37 нафар ўқувчига йўлланма берди.

Бўлажак санъаткорлар томонидан тайёрланган концерт дастури ранг-баранг тароналарни ўз ичига олди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган қўшиқлар ҳам тингловчиларга манзур бўлди.

**Нодия Иброҳим КАФФОФИЙ:
УШБУ ГЎЗАЛ ВА
МУҚАДДАС ДИЁРДА ТИНЧ
ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ
ҲУКМ СУРМОҚДА**

(Давоми. Боши 1-бетда).

— **Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида нима дея olasиз?**

— Ўзбекистонда истиқлол йилларида ижтимоий-сиёсий барқарорлик мустақамлашиб, иқтисодиёт муттасил ривожланиб бораёттир, халқнинг турмуш даражаси узлуксиз юксалмоқда. Энг асосийси, Аллоҳ назари тушган ушбу гўзал ва муқаддас диёрда тинч ва осойишта ҳаёт ҳукм сурмоқда.

Президент Ислоҳ Каримов томонидан 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши юртингизда ёш авлодга кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Утган йили таълим соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилди, минглаб умумтаълим мактаблари янгидан қад ростлади, реконструкция қилинди ва замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Шунингдек таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда ёшлар камолотиغا қаратилаётган юксак эътиборга ҳавас қилса арзийди.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида эса юртингизнинг чекка ҳудудларида, олис шаҳар ва туманларида яшовчи аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш борасида кенг қўламли, изчил ислохотлар амалга оширилади. Жумладан, қишлоқларга санаят кириб бормоқда, хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғи ошмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётганига аҳолининг реал даромадлари муттасил ошиб бораётгани ҳам яхши мисол бўла олади.

— **Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали ҳақида фикрингиз?**

— Дунё аҳли Самарқандни «рўйи замин сайқали» деб билади. Қўп асрлик тарихи, жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломалари, тарихий обида ва меъморий ёдгорликларини билан

машҳур Самарқанд олам аҳлини ҳаммша ҳайратлантириб келган.

Жаҳон мусикачиларини бир жойга тўплайдиган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали турли халқлар вакилларининг санъатдан баҳраманд бўлиш имконини беради. Унда мисрлик созанда ва хонандларнинг иштироки аънамага айланган. Бу эса, албатта, халқларимиз ўртасидаги дўстона ришталарни янада мустақамлашга хизмат қилаёттир.

Ўзбекистонда барча соҳалар каторида санъат ҳам юксак даражада ривожланган. Ўзбек мумтоз куй-қўшиқлари, жозибador миллий рақслари ҳар қандай кишини мафтун этишга қодир. Гўзаллик ва нафосатни ўзида мужассам этган наволарингизга меҳрим жуда баланд.

— **Яқинда Тошкентнинг 2200 йиллик юбилеи кенг нишонланади...**

— Юртингизга келган ҳар қандай киши унинг сайёҳлик салоҳиятига тани бериши шубҳасиз. Айниқсан, Тошкентда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари диққатга сазовор. Бу ердаги муттасил ўзгаришлардан ҳайратдаман. Азим Тошкентдаги меъморий обидалар ва сержил тарихий ёдгорликлар, кўркам ва замонавий меҳмонхоналар, маҳобатли иншоотлар, ресторан ва қаҳвахоналар, музей ва галереялар, ҳашаматли спорт мажмуалари кишида унутилмас таассурот қолдиради. Пойтахтингиз метроси эса ўзининг озодлиғи ва чиройи, ҳар бир бекатнинг ўзига хос ноёб меъморий ечим ва безакларига эгалиги билан ажралаб туради.

Қисқа фурсатда янгидан бунёд этилган Ҳазрати Имом мажмуи менда гоят катта таассурот қолдирди. Мохирона услубда таъмирланган ва назорат дид билан беэатиқ қолдирмайди, деб ўйлайман.

**ЎЗА МУҲБИРИ
Мадина УМАРОВА
суҳбатлашди.**

Қуни кеча «Ўзэкспомарказ»да ўтказилган кўргазмани семинар ва матбуот анжуманида масаланинг айнан шу жиҳатларига эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирда ишбилармон доира вакиллари, соҳа мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир Парпиев кириш сўзи билан очди. Таъкидлангандек, жорий йилги солиқ сиёсати билан бевоисита боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентини ва ҳукуматининг қарорлари, бошқа қонун ости ҳуж-

Истиқлол йилларида мамлакатимизда солиқ сиёсатини янада

либераллаштириш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз кечаётган бир пайтда тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш ва уларнинг ҳуқуқий эркинлигини ошириш борасида бир қатор амалий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

нинг мазмун-моҳияти ва кўзда тутилган имтиёзлар, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган яна бир қўлайлик Президентимизнинг жорий йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарориди ўй қилинган тақдирда кў-

ришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги Қарорларига асосан, 2012 йил 1 январгача бўлган даврда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 15 турдаги ноозик-овқат истеъмол то-

**Кўргазмали семинар
ИМТИЁЗЛАР — РИВОЖЛАНИШ
ОМИЛИ**

жатлари асосида берилмайдиган солиқ имтиёзлари натижасида катта миқдордаги маблағнинг солиқ тўловчилар иктиёрида қолиши кутилмоқда. Кўзда тутилган маблағлар янги иш ўринларини юзага келтириш, корхоналарни замонавий техник-технологик модернизациялашга сарфланади. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шугуланмайдиган корхоналар учун даромад солигининг 7 фоизга туширилиши эса кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Эркин Гадоев чиқишларида давлатимиз раҳбарининг 2008 йилнинг 2 декабридаги «Навоний вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармо-

раҳлари ишлаб чиқариш ва иқтисослашган корхоналари, янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари 2014 йил 1 январгача солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларини, 2009 йилнинг 1 июлидан 2012 йилнинг январига қадар бўлган даврда махсус печлардан фойдаланган ҳолда замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пилган гишт ишлаб чиқарувчи корхоналар барча турдаги солиқлар, давлат мақсадли жамғармаларига ва мактаб таълим жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади.

Давлатимиз раҳбарининг «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пул-раш ишларини кенгайти-

Тиббиёт

**ЖАМҒАРМА
ҲОМИЙЛИГИДА**

Маълумки, «Меҳр нури» жамғармаси саъй-ҳаракати билан республикаимиздаги қатор поликлиника ва шифохоналар сифатли таъмирланмоқда.

Айни вақтда иқтидорли ёшлар, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга оид лойиҳаларни амалга оширишда ҳам жамғарма ўзининг ҳомийлик ёрданини бермоқда. Жамғарма пойтахтимидаги 4-юқумли касалликлар клиник шифохонасини тубдан таъмирлашга ҳам бош қўшди. Ушбу бунёдкорлик туфайли шифохонанинг лаборатория текшируви, муолажа хоналари замонавий қўриниш касб этди. 150 ўринга мўлжалланган касалхонага талайгина тиббий асбоб-ускуналар ҳам тўхфа қилинди.

**КАФЕДРАНИНГ
САМАРАЛИ
ИЗЛАНИШЛАРИ**

Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг «Неонатология» кафедраси она ва бола саломатлигини сақлаш жараёнлари илмий асосларини яратиш билан ҳам яқиндан шугуланмоқда. «Она ва бола саломатлигини муҳофизат қилиш, соғлом авлодни шакллантириш» деган мавзуда уюштирилган анжуманида кафедра томонидан тайёрланган маърузалар тингланди.

Кафедра «Она ва бола скрининг маркази» билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиб, қатор тасвияларни тақдим этди. Республика иқтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамкорлигида ҳам янги тавсиялар тайёрланди.

**МАРКАЗ ОЛИМЛАРИ
ФАОЛЛИГИДА**

Кўкрак бези хавфли ўсмаларини даволашга бағишланган халқаро анжуманида республика онкология илмий маркази олимлари фаол иштирок этдилар.

Таъкидлаш жоизки, онкология илмий маркази аёллар кенгаши жамоат бирлашмаси билан ҳамкорликда олиб бориладиган муолажалар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Онкологик хасталиқларни барвақт аниқлашга доир илмий кузатишлар бўйича янги қўлланма босмага тайёрланди.

Ақбар АЛИЕВ

МАФТУНКОР РАНГЛАР ЖИЛОСИ

Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган тадбир шундай номланди. Унда шахримизда истиқомат қилаётган 8 ёшдан 15 ёшгача бўлган 40 нафар ногирон болалар ва уларнинг яқинлари қатнашишди.

Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг шахар бўлими, «Қамолот» ЕИХ шахар бўлими Кенгаши ва Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорлигида ташкиллаштирилган ушбу тадбирдан кўзланган мақсад, ногирон болаларнинг жамиятимиз ҳаётида фаол иштирокни таъминлаш, уларнинг истеъодларини рўйбга чиқариш ҳамда қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Иштирокчи болалар тадбир давомида расомлик қобилиятларини намойён қилиб, ўзaro беллашди. Беллашув якунида «Энг чиройли суратлар» эгалари муносиб ўринларга эга бўлишди. Шунингдек, иқтидорли қатнашчилар «Энг матонатли», «Энг истеъодли», «Энг навқирон» номинацияларини қўлга киритиб, ташкилотчилар томонидан эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Айниқса, ўзининг ижодий иши билан барчани лол қолдирган ва «Энг матонатли» но-

минациясига эга бўлган Жавоҳир Фаниевнинг чизган расмлари кўпчилиكنинг эътиборини ўзига жалб этди.

Тадбир доирасида болалар истироҳат боғида мароқли дам олишди. С.Рахимов туманидаги «Шодлик» маданият уйининг «Пахтаой» болалар ашула ва ракс дастаси ижросидаги кўшиқларни тинглаб, рақсга тушишди.

— Тадбирдан кўзланган мақсад, кўнгли ўқисик болажонларимизга озгина бўлсада шодлик улашишди, — дейди Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғининг бадий раҳбари Дилафруз Муҳиддинова. — Уларда тасвирий санъатга, табиатга меҳр уйғотиш, билим ва кўника меҳри, таассуротларини янада бойитиш, ўз иқтидорларини, маҳоратларини яна бир бор намойён этишга имконият яратишдан иборат.

Шуниси эътиборлики, болажонлар ўз расмларида ички ҳиссиётларини, Ватанга, табиатга бўлган муҳаббатларини ифода этдилар, она шахримиз Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейига ўз совғаларини тайёрладилар.

Зилола НАЗАРОВА



Кўли гул хунармандларимиз томонидан сержило ва нафис безаклар бериб ишланган турли хил миллий хунармандчилик маҳсулотлари эътиборимизни тортмай қўймайди.

ОЗ-ОЗ ЎЙГАНИБ
Домо билур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

АҚЛНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛИ

Бир ҳақимдан:
— Сиз кишининг ақлини қандай қилиб биласиз? — деб сўрадилар.
Ҳақим уларга:
— Агар менда бундай истак пайдо бўлса, аввало ўша киши билан суҳбат кураман, баъзи нарсалар ҳақида баҳс эстаман, агар сўзлари рост ва хатоси кам бўлса, демак ундай кишида ақл бор деб тасаввур қиламан, — деб жавоб берибди.

Яна ундан:
— Борди-ю, ўша киши билан сўзлаша олмасангиз, сиздан узокда бўлса, унда қандай қилиб аниқлайсиз? — деб сўрашди.
— У пайтда, — деди ҳақим, — ўша киши юборган дўст билан гаплашаман. Дўсти орқали гапи ёки хатидаги фикрлардан ўша кишининг ақл доирасини текшираман!

КЎЗ — КЎНГИЛ ОЙНАСИ

Ҳақимлардан бири айтади:
— Одамнинг дилидаги нарсани ақлимиз сеза олиш қувватига эга. Дилдаги нарсани аввало кишининг тили, сўнгра кўзи билдиради. Шунинг учун кўз кўнгили ойнаси, — дейдилар.

ПИНҲОН ТУТИШ ЛОЗИМ НАРСАЛАР

Доноларнинг айтишича, ақли кишилар тўрт нарсани яширишлари керак: биринчиси, молу давлатига нуқсон етса, халқ олдида гапириб юрмаслиги керакки, уни айтган билан бойлиги қайтиб келмайдиган, ўзини очқўзликда ва бефаҳмлиқда айблайдилар, хурмати кетади. Иккинчиси, ақли ҳисобланган киши ўзгалар қошида гам-андухдан шикоят қилса, беқарорлиги ва кулфатга чидамай йўқлиги маълум бўлади, унинг изтиробини кўрган одамлар ахли тадбир эмаслигини оғоҳ бўладилар. Учинчиси, ақли кишининг ўзидан ёки қавму қариндошидан бирор яхши ёхуд ёмон иш содир бўлса, бу ҳақда мақтанса ёки, аксинча, нолиса, бу ҳам ақллилик сифати саналмайди. Бундай пайтда ҳам ақли кишига жим туриш ярашади. Тўртинчиси, ақли киши бирор учун яхшилик қилса ва ёрдам кўлини чўзиб кулфатдан халос этса, бу пайтда ҳам жим туриши ва бу қилган яхшилигини барчага айтиб юрмай, пинҳон тутити керак.

АҲМОҚНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Ҳақимлар одамнинг аҳмоғини ташқаридан кузатиб билиб оладилар. Аҳмоқ киши кўнглига нима келса, оқибатини ўйламай қилаверади. Тажрибали ва ақли одамларнинг гапига қулоқ солмайди. Ақлсиз одамлар нима деса, унга рози бўлади, ўзига бино қўяди. Кимки уни мақтаса, ўша кишини яхши кўради. Сўралган нарсига ўйламай жавоб бераверади. Ҳар бир ишда шошқалоқликка йўл қўяди. Илмдан холи, затога эса кон бўлади. Бойиб қолса ёки бировга ҳожати тушмайдиган бўлиб қолса, ҳеч кимни менсимай мағрурлиб юради. Сўқиниб гапирлади. Бирор савол бера, жавоб бергиси келмайди. Саволга қўполлик билан жавоб сўрайди. Қулса — қаҳ-қаҳ уриб кулади, йилгласа — ундан ўтказади.

ҚАНОАТ ЛАЗЗАТИ

Бирор қаттиқ нонни сувга ивйтиб, хузур қилиб еб ўтирган файласуфни кўриб ҳайрон қолибди ва:
— Қаттиқ нонни ҳам маза қилиб ейиш мумкин эканми? — деб сўрабди.
— Албатта. Мен фақат қаттиқ нон мазали бўлиб туюлганга қадар нафсимни тийиб ўтираман, — дебди файласуф.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Шахмат

СОВРИНЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЛДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқаро шахмат турнирида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистондан юз нафар шахматчи катталар, хотин-қизлар, ўсмирлар ва фахрийлар ўртасида ғолиблик учун дона сурди.

Ватанимиз истиқлолининг 18 йиллик байрами арафасида пойтахтимиз билейини муносиб кутиб олиш, халқимиз, айниқса ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини қарор топтириш мақсадида ташкил этилган мусобақа якунига кўра, катталар ўртасида самарқандлик халқаро гротмейстер Марат Жумаев етти ярым очко билан биринчи ўринни эгаллади.

Ўсмирлар ўртасида қашқадарёлик истеъодли шахматчи Акмал Файзуллаев етти очко билан шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, хотин-қизлар баҳсида пойтахтлик Ирина Геворкян ғолиб чиқди. Фахрийлар орасида эса Қашқадарё вилояти шарафини ҳимоя қилган Хайрулла Тўраев энг юқори кўрсаткични қайд этди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: **233-28-95.** Факс: (3712) **233-21-56.** Манзил: **Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

Тошкент вилоятида сувга сакраш бўйича мамлакат биринчилиги беллашувлари учта гуруҳда ўтказилди. «В» гуруҳида бир ва уч метрли трамплиндан сакраш бўйича Анастасия Хоменкова ҳамда Артур Авхатшин бир жуфт олтин медалга сазовор бўлди.

Сувга сакраш КИМ ЧИРОЙЛИ САКРАЙДИ?

«С» гуруҳидаги баҳсларда Кристина Аммирасланова икки марта шохсупага кўтарилган бўлса, Темур Сатторов ва Александр Симонов биттадан олтин медални қўлга киритди. «Д» гуруҳидаги беллашувларда Екатерина Митрофанова, Достон Ботиров ва Анна Герасимована етакчилиги топилмади.

Боҳир БЕК

Футбол ПЕШҚАДАМ ЖАМОАЛАРНИНГ ҒАЛАБАСИ

Шуниси аҳамиятлики, Осиё чемпионлар лигаси турининг навбатдаги босқичга тайёргарлик кураётган амалдаги чемпион «Бунёдкор» учун меҳмонларни енгиласи асло қийинчилик туғдирмади. Учрашув мобайнида тўлиқ устунликка эришган тошкентлик футболчилар рақибларни йирик 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Дарвозага голларни Ривалдо, Желаров (2та), Вильянуэва (2та) киритишга муваффақ бўлишди.

Шунингдек, «Пахтакор» ўз майдонида Фарғонанинг «Нефчи» жамоаси билан Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг дастлабки учрашувида

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиби бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани суд икросчилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. Шайхонтоғ тумани ФИБ судининг 01.04.2009 йилдаги 1-2033/09-сонли икрос варақасига асосан хатланган, С.Раҳимов тумани Себзор мавзеси, М-17/18, 35-Б-уй, 3-хонадон манзилида сақланаётган, «Тойота Прадо» русумли, д/р 3017040 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 60 000 000 сўм. 2. Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 20.04.2009 йилдаги 10-0921/2630-сонли икрос варақасига асосан хатланган, С.Раҳимов тумани Себзор мавзеси, М-17/18, 35-Б-уй, 3-хонадон манзилида сақланаётган, «Мерседес Бенц Е200» русумли, д/р 3020644 бўлган, 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 35 000 000 сўм. 3. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 30.10.2006 йилдаги 10-0619/7497-сонли икрос варақасига асосан хатланган, «Узметаб-таъминот» МЧКга тегишли, С.Раҳимов тумани, Уста Ширин 124-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: — «Газ-3102» русумли, д/р 10BD749 бўлган, 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 830 751 сўм. — «Газ-3102» русумли, д/р 10AA587 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 893 106 сўм. — «Тико» русумли, д/р 10AR271 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 859 513 сўм. 4. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 03.01.2007 йилдаги 10-0708/1265-сонли икрос варақасига асосан хатланган, «Йулқўриқ-таъмирхизмат» трестига тегишли, С.Раҳимов тумани, Корсарой 341-а-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: — «Супер Маз» русумли, д/р 10АХ705 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 184 164 сўм. — «Супер Маз» русумли, д/р 10АХ712 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 184 164 сўм. — «Супер Маз» русумли, д/р 10АХ708 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 184 164 сўм. — «Супер Маз» русумли, д/р 10АХ706 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 184 164 сўм. — «Зил ММЗ3» русумли, д/р 10AD141 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 791 642 сўм. Аукцион савдоси 2009 йил 3 сентябр куни соат 11:00да бўлиб ўтади.

Талабдорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2009 йил 3 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йилнинг 24 сентябр куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.kmbj.uz расмий вебсайти орқали олишиңиз мумкин.

Шунингдек, 2009 йил 18 август куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

II. Тошкент шаҳар Учтепа тумани суд икросчилари бўлими томонидан: — Заңгиота тумани ЖИБ судининг 31.07.2008 йилдаги 1-263/08-сонли икрос варақасига асосан хатланган, Учтепа тумани, Хирмонтепа кўчаси (2-сонли жарима майдончаси)да сақланаётган, «БМВ-520» русумли, д/р Х322СХН бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 12 825 000 сўм. — Заңгиота тумани ЖИБ судининг 30.04.2008 йилдаги 1-203/08-сонли икрос варақасига асосан хатланган, Учтепа тумани, Халка йўли 20-уй, «Равшан» ҳўда сақланаётган, «Камаз-5320» русумли, д/р 10AR388 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 095 000 сўм.

III. Миробод тумани суд икросчилари бўлими томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда: Тошкент шаҳар ИИББ Аҳборот маркази оմборхонасида сақланаётган, 1. ЖИБ Учтепа тумани судининг 02.02.2007 йилдаги 1-71/2007-сонли икрос варақасига асосан хатланган, «ВАЗ 2107» русумли, д/р 10A2265 бўлган, 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 890 000 сўм. 2. ЖИБ Тошкент шаҳар Ҳамза тумани судининг 19.01.2009 йилдаги 1-45/2009-сонли икрос варақасига асосан хатланган, «ВАЗ-2103» русумли, д/р 3022623 бўлган, 1980 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 260 000,8 сўм. 3. ЖИБ Тошкент шаҳар Ҳамза тумани судининг 2009 йил 13 январдаги икрос варақасига асосан хатланган, «Шерволет Оптра» русумли, д/р М89-64 бўлган, 2007 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 27 294 039 сўм. 4. ЖИБ Шайхонтоғ тумани судининг 11.05.09 йилдаги 1-424/2009-сонли икрос варақасига асосан хатланган, «Матиз» русумли, д/р 30W1560 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 485 824 сўм. 5. ЖИБ Тошкент шаҳар Чилонзор тумани судининг 15.05.09 йилдаги икрос варақасига асосан хатланган, «ВАЗ-2106» русумли, д/р 30R9290 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 093 368 сўм. 6. ЖИБ Тошкент шаҳар Шайхонтоғ тумани судининг 24.03.08 йилдаги 1-280/2009-сонли икрос варақасига асосан хатланган, «ВАЗ-2107» русумли, д/р 30W8334 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 566 356 сўм. 7. Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 03.03.06 йилдаги 10-0619/2666-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Тошкент вилоят хоҳимлиги гаражида сақланаётган, «ГАЗ-2411» русумли, д/р 10AL653 бўлган, 1991 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 419 977 сўм. 8. ЖИБ Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 21.08.07 йилдаги 10-071/710-сонли икрос варақасига асосан хатланган, Миробод тумани, Мироншо кўчаси, 10-уй, 3-хонадонда сақланаётган, «SERVIS AGRO» МЧКга тегишли бўлган ЭЦВ-80 русумли 2 дона насос. Бошланғич баҳоси — 1 538 000 сўм. 9. ЖИБ Тошкент шаҳар Серғели тумани судининг 23.12.08 йилдаги 1-1237/08-сонли икрос варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар 1-сонли автотаймирлаш заводида сақланаётган 12 номдаги терини қайта ишловчи машина ва усўқчалар. Бошланғич баҳоси — 7 835 900 сўм.

IV. Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд икросчилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 11.09.2008 йилдаги 10-0811/8953-сонли икрос варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани З.Шамсуддинова кўчаси, 23А-уйда жойлашган, «Jisong Korea Industrial» ККга тегишли, жами майдони 10977 кв.м. бўлган 18та бино, 1та қурилиш туғалланмаган бино ва 3та ишонот қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 1 185 000 000 сўм.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари ва кўчмас мулклар билан тегишли суд икросчилари бўлимининг вакили ишториқда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш унў талабдорлардан аризаларини қабул қилиш аукцион савдосига бир кўн қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш унў талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатлат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини, ҳар бир мулк унў алоҳида тартибда, тўлов ҳўжжатида икрос ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган холда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон Ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тулашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНЧ: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.kmbj.uz

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнрали чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2857 нусхада босилади.
Қоғоз биғими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига муурожаат қилишиңиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилиб ва саҳифаланган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 5